
1-октябрь - "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" СИЗДАН БОШЛАНАДИ АСЛИ ТАФАККУР!

Ҳар биримиз исталган соҳада меҳнат қилмайлик, албатта устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз. Аввалига мактабгача таълим муассасаси, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ оламиз.

Янги ҳаёт остонасида илк қадамларини ташлашга чўчиб турган жажжи болакайга волиданинг меҳри, эътибори қанчалик зарур бўлса, дунё иморатлари ичида энг улуғ макон ҳисобланган – мактабда қўлига эндигина қалам ушлаб “Она” сўзини ёзишга чоғланаётган ўқувчига ҳам ўқитувчининг қўмаги шунчалик зарур.

1-октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” байрами Марғилон шаҳридаги Диёр тантаналар мажмуасида тўкин дастурхон атрофида кенг тантана қилинди.

Байрам тадбирини шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов табрик сўзи билан очиб устозларни самимий муборакбод этар экан, эртанги кунимиз эгалари бўлган баркамол авлодни халқимиз, юртимиз корига ярайдиган, мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган даражада илму ҳунарли этиб тарбиялашда кўрсатаётган самарали меҳнатлари учун устозларимизга бутун ҳамшаҳарларимиз номидан ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этди ҳамда уларга шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғаларини топширди.

Шаҳар ҳокими табрик сўзи давомида Марғилон шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси Тугушева Зулфия Фанилевна “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармони асосан “Дўстлик” ордени билан мукофотланганини алоҳида эътироф этди.

Байрам дастури соҳирнафас санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқларию устоз-мураббийларнинг дилбар хиромлари билан янада ўзгача тус олди.

Минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини сочадиган мўътабар зот - ўқитувчи ва мураббийларимизга бугунги касб байрамингиз муборак бўлсин, деймиз!

2022-09-29 20:05:30